

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ**

**ДОВРУЌ СОЛГАН
УСТОЗ ОЛИМЖОН**

Тошкент — 2009
**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ**

**ДОВРУЌ СОЛГАН
УСТОЗ ОЛИМЖОН**

*Ғамид Олимжон таваллудининг
100 йиллиги муносабати билан*

Методик-библиографик кўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент — 2009

78.342 (5Ў)

Д 63

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	М.Матмурадова
Муҳаррир	Шукур Курбон
Масъул муҳаррир	Ж.Пардаев
Матн терувчи	З.Жалилова

Довруқ солган устоз Олимжон: Ғамид Олимжон таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. кўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмурадова; Муҳаррир Шукур Курбон; Масъул муҳаррир Ж.Пардаев: -Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009.-42 б.

КБК 78.342(5Ў)+83.3(5Ў)

Ушбу методик-библиографик кўлланма ватанпарвар шоир, драматург, олим ва танқидчи, ўзбек адабиётининг жонкуяр ташкилотчиси, жамоат арбоби Ғамид Олимжон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган. Шунингдек, шоир ижодини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш учун кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

Кўлланма кутубхона, АКМ ва АРМ ходимлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

МУҚАДДИМА

Ўзбек шеърятининг мусика жавонида ўхшаши йўқ дилбар бир куй ҳануз жаранглаб туради. Бу Ғамид Олимжон шеърятининг сўлим оҳангидир. Гоҳ булоқ сувидек тиник ва равон, гоҳ тоғлар сойидек шўх ва тошқин бу шеърятда ажиб сеҳр бор.

*Эркин Воҳидов,
Ўзбекистон Каҳрамони, Халқ шоири*

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди – ватанпарвар шоир, драматург, олим ва танқидчи, публицист ва нотик, ўзбек адабиётнинг жонқуяри, жамоат арбоби Ғамид Олимжон ўзидан ўлмас ижодий мерос қолдирди. У шоир сифатида ўзбек поэзиясида жўшқин лиризмга асосланган шеърят мактабини яратди.

У драматург сифатида тарихий воқеликни романтик кўтаринкилик билан акс эттирган том маънода тарихий фожеа жанрига асос солди.

Ғамид Олимжон яратган образлар миллионлаб одамлар қалбида доимо яшайди. У халқ манфаатлари йўлида курашган тарихий шахснинг ўлмаслиги ҳақида айтган куйидаги жўшқин мисралар ўз тақдирига ҳам тўла тааллуқлидир:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв кўлида таслим ҳам бўлганим йўқ.
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман!

Ғамид Олимжон ҳозирги замон ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан биридир.

2009 йил 12 декабрда Ғамид Олимжон таваллудига 100 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани кенг нишонлайди, чунки шоир ижоди кўпчиликини мафтун этиб келган, асарлари рус ва қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Китобхонлар диққатини жалб қилиш ва Ғамид Олимжон ижодини кенг тарғиб қилиш учун кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, учрашув ва хотира кечалари, китоб кўргазмалари каби тадбирлар ташкил этишлари мумкин.

Бундай тадбирларга филологлар, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, журналистлар, санъаткорлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, “Мағалла”, “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, тилшунослар, адабиётшунослар, журналистлар, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорлик қилишни оммавий тадбирлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Қўлланма кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида шоир таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда мутахассисларга ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

**Ғамид Олимжон ҳаёти ва фаолиятига бир назар
(1909 — 1944)**

Ғамид Олимжон 1909 йилнинг 12 декабрида Жиззах шаҳрида меҳнаткаш оиласида дунёга келди. У тўрт ёшга кирганда отаси Олимжон ака оғир касалликдан вафот этди. Бўлажак шоир онаси Комила хола ва бобоси Мулла Азим кўлида тарбия кўрди.

Ғамид Олимжоннинг сўз санъатига қизиқиши онаси Комила холанинг эртақлари ҳамда бобоси Мулла Азим хонадонига келиб турувчи Фозил Йўлдош ўғлининг дoston ва термалари асосида шаклланган.

У 1918 йил Жиззах шаҳридаги Наримонов номидаги бошланғич мактабга боради ва 1923 йилда мактабни битириб, Самарқанддаги ўзбек билим юртида (1923-1928), сўнгра 1928 йил октябр ойидада Ўзбекистон Олий педагогика институти (1930 йилдан бошлаб – “Ўзбекистон Давлат педагогика академияси” нинг иқтисод факультетида таҳсил олади.

Шоир Шарк мумтоз шеърятини ҳам ўргана бошлайди — Навоий ғазалларини кўлдан кўймайди, Саъдий, Ғофиз, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Жомий асарларини бемалол форсийда ўқийди. Мана шу даврда у ўзининг илк шеърларини ёза бошлайди.

Ғамид Олимжоннинг дастлабки шеърлари билим юртининг “Ёш куч” деворий газетаси ва “Учкун” кўлэзма журналлари саҳифаларида босилган. 1926 йили ёзган асари “Кимдир” деб аталади.

Ғамид Олимжоннинг биринчи шеърлар тўплами – “Кўклам” (1929) талабалик чоғларининг маҳсулидир.

Шундан сўнг “Тонг шабадаси” (Ғикоялар) (1930), “Олов сочлар” (1931), “Пойга”, “Ўлим — ёвга” (1932), “Дарё кечаси” (1936), “Шеърлар” (1937), “Ўлка”, “Ойгул ва Бахтиёр” (1939), “Бахт” (1940), “Кўлингга қурол ол!”, “Она ва ўғил” (1942), “Ишонч” (1943) шеърый тўпламлари нашрдан чиқади.

Ғамид Олимжон катта ижодий ишни фаол жамоатчилик иши билан узвий кўшиб олиб борди. Педакадемияни битиргандан сўнг, 30-йилларда аввал газета ва журналларда, сўнгра Маданий қурилиш институтида, 1934 йил 1 январдан бошлаб эса, Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим лавозимида ишлади. 1932 йил 25 июнда Ғамид Олимжонга ўзбек адабиёти бўйича доцент унвони берилди.

У поэтик асарлар ёзиш билан бирга, илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Ғамид Олимжоннинг “Ўқиш ва ўрганиш қийинчиликлари”, “Ёзувчининг савиясини кўтарайлик”, “Адабиётимизнинг тикка кўтарилиш даврида”, “Адабиёт ва халқ”, “Ўзбек халқининг адабиёти” каби мақолалари 30-йиллар маҳсули бўлиб, уларда адабиётимизнинг назарий масалалари кўтариб чиқилган. Ғозирги замон ўзбек адабиётининг тараққиёт йўллари ва ғоявий йўналишлари ҳақида баҳс юритилган.

Ғамид Олимжон 30-йилларда ўзбек мумтоз адабиётини ва халқ оғзаки ижодини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берган. “Ўзбек халқининг улуғ шоири — Навоий”, “Навоий ва замонамиз”, “Мардлик, муҳаббат ва дўстлик дostonи”, “Фарҳод ва Ширин” ҳақида, “Ўзбек халқининг ўлмас шоири”, “Муҳаммад Амин Муқимий” каби мақолалар Ғамид Олимжоннинг етук тадқиқотчи эканлигини кўрсатади. Шунингдек, Ғамид Олимжон қардош халқлар адабиётларини, хусусан, рус адабиётини илмий ўрганиш ва ташвиқ этиш соҳасида ҳам ибратли ишлар қилган. “Толстой ва ўзбек халқи”, “Салом, Пушкин”, “Буюк санъаткор”, “Жамбул ва халқ”, “Тарас Шевченко” каби мақолалар ана шулар жумласидандир.

Шоирнинг 30-йилларнинг иккинчи ярмида майдонга келган шеърый тўпламларига кирган поэтик асарларнинг аксарияти ғоясининг муҳимлиги, образларнинг ёрқинлиги, тилининг равонлиги ва жозибadorлиги билан

шеърятимизда янгилик бўлди. Бу асарлар шоир ижодида янги воқелик тасвири тобора чуқурлашиб, образлилик ва таъсирчанлик кучая борганилигидан далолат беради.

Ҳамид Олимжоннинг “Ўлка”, “Ўрик гуллаганда”, “Куйчининг хаёли”, “Ўзбекистон” сингари шеърларида она диёрга муҳаббат ҳис-туйғулари моҳирона ифодаланган. Шоир “Куйчининг хаёли” шеърисида зўр ифтихор билан шундай дейди:

Энди кўшиқ хурдир, юраклар бедоғ,
Қаддини кўтарди ўлка ва одам,
Кўшиқлар мўл бўлсин, тетик ва кувноқ,
Ота, замонамиз ғазалхон бир дам.

Шоир “Ўзбекистон” шеърисида аниқ ва типик деталлар, ранг-баранг тасвир воситалари ёрдамида кўёшли диёримизнинг яхлит образини яратиб, асар ғоясини шеърнинг мағиз-мағзига сингдириб юборади. Мавзунини ёритишда табиат манзаралари тасвиридан моҳирона фойдаланди. Дарҳақиқат, “Ўзбекистон” шеъри пейзаж лирикасининг нодир намунаси бўлиб, унда манзара асар ғоясини бадиий йўл билан очишга тўлалигича хизмат қилади:

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон.
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.
Чиройлидур гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин.
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида.
Чор атрофда ёйганда гилам,
Асло йўқдир бундайин кўклам...
Бу шундайин ажиб диёрдир.

Ҳамид Олимжон Ўзбекистон образини яратар экан, мавзуга халқлар дўстлиги нуқтаи назаридан ёндашиб, ўзбек диёрининг тинчлиги ва ободлиги, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигининг самарасидир, деган ғояни асарнинг умумий руҳига сингдириб юборади. Шуниси муҳимки, Ҳамид Олимжон Ўзбекистон мавзусини тасвирлашда асосий эътиборни, ҳақли равишда, ўз меҳнати билан Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшган, уни бахтлар водийсига айлантирган оддий инсонларнинг таърифига, уларнинг ажойиб фазилатларини тасвирлашга қаратди.

Ҳамид Олимжоннинг “Бахтлар водийси”, “Чирчиқ бўйларида”, “Дарё тиниқ, осмон беғубор”, “Чимён эсдаликлари”, “Ўрик гуллаганда” каби шеърларида ҳам она-Ватан образи ўз халқига муҳаббат туйғулари билан узвий бирликда намоён бўлади:

Шоир қайси бир асарида Ватанимиз ҳақида қалам тебратмасин, доимо унинг гўзаллигидан завқланиб, ҳаяжонланиб яйраб ва эрқаланиб ёзади. Ҳамид Олимжон шеърларининг мисралари ғоят раво, сўлим кўшиқ сингари ўзи оқиб кела беради. Шоир шеърнинг ҳар бир мисрага, мисранинг ҳар бир сўзига шундай ёқимли оҳанг берадики, ўқиганда гўё хушхон ҳофиз ижросида дилрабо, сўлим кўшиқ тинглагандай бўласан.

Ҳамид Олимжон шеърятининг чўққиси, шубҳасиз, “Зайнаб ва Омон”

достонидир. Унда шоир истеъдодининг янги-янги кирралари, ўзбек шеърияти имкониятларининг чексизлиги яна бир бор намоён бўлган. Достон замирида аниқ ҳаётий воқеа ётади. Асардаги Зайнаб образининг прототиби (ҳаётдаги тимсоли) Бухоро вилояти Ёиждувон туманидаги илғор жамоа хўжалиги аъзоларидан бири Зайнаб Омоновадир. Унинг фидокорона меҳнати 1935 йилдаёқ юксак кадрланган эди. Бу нишондор пахтакор ҳақида шоир аввало “Зайнаб” номли бадиий очеркни (1936), сўнгра ушбу достонни яратади.

“Зайнаб ва Омон” достонида (1938) озод меҳнат ва эркин севги, янги инсон ва янги урф-одат муаммоси кўтарилди ва у зўр маҳорат билан тасвирланади.

Ғамид Олимжоннинг 30 - йиллардаги ижодида “Ойгул билан Бахтиёр” (1937), “Семурғ ёки Паризод” ва “Бунёд” эртак-достонлари салмоқли ўрин эгаллайди. Шоир бу икки достонни яратиш билан халқ оғзаки ижодидан ўринли фойдаланишнинг ибратли намунасини кўрсатди.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларида Ғамид Олимжон ўзбек фольклори учун характерли бўлган она ва ўғил образларидан, шунингдек, халқ оғзаки ижодига хос тасвир усули ва воситаларидан яна ҳам кенг фойдаланиб халқни курашга, мардлик ва жасоратга илҳомлантирувчи шеърлар ёзган. “Кўлингга кўрол ол!”, “Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга”, “Камал қилинган шаҳар тепасидаги ой” ва бошқалар. Айни пайтда у романтик тасвир усулидан фойдаланган ҳолда “Севги”, “Сен туғилган кун”, “Жангчи Турсун”, “Роксананинг кўз ёшлари” сингари шеър ва балладаларни яратган. Погодин, Уйғун ва Собир Абдулла билан ҳамкорликда “Ўзбекистон қиличи” (1942) драмасыни ёзган, фронт сафари (1943 й., февр) таассуротлар асосида эса публицистик мақола ва очеркларини эълон қилган.

Шунингдек, “Она ва ўғил” (1942), “Кўлингга кўрол ол!” (1942), “Ишонч” (1943) шеърий тўпламларини нашр эттирди.

Ушбу тўпламларга киритилган шеърларнинг аксарияти ҳарбий-ватанпарварлик лирикасининг ажойиб намунасидир.

Ғамид Олимжоннинг “Муқанна” (1943) трагедияси ҳам уруш даврининг ижтимоий бунртмаси асосида майдонга келган.

Асарда Ўрта Осиё халқларининг узок ўтмишда (VIII асрда) Муқанна бошчилигида араб истилочиларига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши кўрсатилади. Драматург ўтмиш воқеалари асосида она-Ватанга муҳаббат, босқинчи душманларга нафрат ғояларини олға сураб экан, араб истилочиларини кескин қоралаган ҳолда, араб халқига дўстона меҳр билан муносабатда бўлади. Шунингдек, муаллиф ушбу асарнинг бош қаҳрамонлари – Муқанна, унинг севгилиси Гулойин ва бошқа қаҳрамонлар образи орқали ҳар бир мамлакатнинг мустақиллиги масаласи халқ тақдири, шу халқнинг озодлиги, фаровонлиги ва келажаги билан боғлиқ ғоят муҳим ижтимоий ва сиёсий масала эканлигини кўрсатиб берган.

Ғамид Олимжоннинг “Жиноят” драмасы замонавий мавзуда ёзилган.

У Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Ғамид Олимжон 1939 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди.

Шоир адабиёт соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. Шоир 1939 йилдаёқ “Ғурмат белгиси” ордени билан мукофотланди. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилиши муносабати билан, унга мухбир аъзо қилиб сайланди.

Ғамид Олимжон 35 ёшида автомобиль ҳалокати туфайли 1944 йил 3 июлда вафот этган.

Ғамид Олимжон ижодини илмий асосда ўрганиш, тадқиқ этиш соҳасида

бир катор йирик монографиялар, танкидий ва биографик очерклар ва бошқа рисолалар нашр этилган.

Жумладан, Н.Каримовнинг “Ғамид Олимжоннинг поэтик маҳорати” (1964), “Ғузаликнинг олмос катралари” (Ғамид Олимжон лирикаси) (1979), “Ғамид Олимжон” (Шоир ижоди ва ҳаётидан лавҳалар), “Бахт ва шодлик куйчиси” (Шоир Ғамид Олимжон ҳақида) (1980), “Ғамид Олимжон лирикаси” (1989), С.Мирзаев, С.Шермуҳамедовларнинг “Ғамид Олимжон ва ўзбек совет адабиёти” (1989), Н.Намозовнинг “Ғамид Олимжон ва адабиётлар қардошлиги” (1980), Ғ.Акбаровнинг “Тасаввур ва тасвир” (1989) ва Зулфия таҳрири асосида “Сен элимнинг юрагида яшайсан” (Ғамид Олимжон ҳақида эсдаликлар) каби рисолалар яратилди.

Мустақиллик йилларида эса халқимизнинг оташин шоири Ғамид Олимжон “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

Республикада Ғамид Олимжон номини абадийлаштириш соҳасида катор тадбирлар амалга оширилди. Кўпгина мактаблар, ўқув юртлари, кўча ва хиёбонлар, жамоа хўжаликлари Ғамид Олимжон номи билан аталади. Шунингдек, Қарши Давлат университети, Тошкент метроси бекатларидан бирига, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасидаги адабиётчилар уйига Ғамид Олимжон номи берилган. Бу уюшма Ғамид Олимжон номида мукофот таъсис этган. Ғамид Олимжон ижоди ўрта ва олий ўқув юртларининг ўқув дастурларидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Ғамид Олимжоннинг сермаъно ва сержило асарлари турли миллатга мансуб бўлган китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда.

Ғамид Олимжон — таржимон

Ғамид Олимжон шоир, драматург, олим ва жамоат арбоби сифатидагина эмас, балки яхши таржимон сифатида ҳам машҳурдир. У аввало рус адабиёти, кейин чет эл адабиётидан катор асарларни ўзбек тилига таржима қилиб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этган.

Жумладан, “Ер юзи”, “Аланга” журналларининг саҳифаларида М.А.Светлов ва Нозим Ғикмат асарларидан қилган илк таржималари эълон қилинган эди. Кейинчалик Ғамид Олимжоннинг таржимонлик фаолияти муттасил равишда ўсиб, бойиб борди. Берилган маълумотларга кўра, Ғамид Олимжон дастлаб рус адабиётидан 1931 йилда М.Ю.Лермонтовнинг замонамиз қаҳрамани “Бэла” қиссасидан ва П.А.Ширяевнинг “Қурашчилар” ҳикоясини (1931), А.М.Горькийнинг “Челкаш” (1931) ҳикоясини ҳамда “Фабрик-заводлар тарихи” (1932) асарини, Н.Островскийнинг “Пўлат қандай тобланди?” романини (1936), А.С.Пушкиннинг “Кавказ асири” романтик достонини (1937), “Сув париси” асарини (1937), “Борис Годунов” драмасини (1941) ўзбек тилига таржима қилган.

Шунингдек, у А.С. Пушкин, А.Н.Одоевский, А.Н.Толстой, А.И.Безименский, М.А.Светлов, В.М.Чинбер, В.И.Лебедев-Кумач, П.Н.Арманд, К.М.Симоновнинг асарларини моҳирлик билан ўзбек тилига таржима қилган.

Таржимон — Ғамид Олимжон украин адабиётидан Т.Г.Шевченконинг “Туш”, “Рўмолча”, “Ўлкам, менинг жасадим...”, “Кичкина Марянага”, “Тонг чоғи ёш аскарлар”, “Учта катта йўлнинг боши”, “Орқасида тангри эшиги”, “Катеринанинг уйи”, “Гар бўлмаса бир кулба-хонанг...”, “Бир замонлар ўйнашиб ўсган”, “Муסיқа чалинлар, чароғон ҳар ён” каби шеърларини, П.Г.Тичинанинг “Украинани ўйлаганда” шеърини ўзбек тилига таржима қилган.

Ғамид Олимжон чет эл адабиёти намоядаларининг катор асарларини

Ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек китобхонларига тақдим этган. Масалан, инглиз шоири Ж.Г. Байроннинг “Видо” шеърини, француз шоири Эжен Потьенинг “Интернационал” шеърини, турк шоири ва драматурги Нозим Никматнинг “Қуёш - ичганлар кўшиғи” шеърини, “Нефтга қараб” асарини ўзбек тилига таржима қилган.

Бу таржималар ўзбек китобхонини рус ва бошқа халқлар адабиётининг намояндалари ижоди ва чет эл шоир ва ёзувчилари ижоди билан яқиндан таништиришда катта роль ўйнайди ва улар ҳамон ўз қимматини сақлаб келади.

Ҳамид Олимжон моҳир таржимон сифатида асар матнини бир тилдан иккинчи тилга шунчаки ўгириб қолмай, унга ижодий ёндашди, асл нусхадаги шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, миллий ва индивидуал хусусиятларни янги тил воситасида қайта гавдалантиришга эришди.

Ҳамид Олимжон томонидан таржима қилинган асарларнинг аксарияти, китобхонга газета ва журналлар, тўплам ва мукамал асарлар орқали маълум. Бироқ атоқли шоирнинг таржима соҳасида қолдирган мероси ҳозиргача бир ерга жамлаб нашр қилинмаган.

Ҳамид Олимжон ҳақида адабиётшунослар, шоирлар ва ёзувчилар

Ҳамид Олимжон табиатан поэзия ва кураш учун туғилган эди. Ўз қалбининг нафислиги ва жўшқинлиги билан, ўз нигоҳининг нозиклиги ва ўткирлиги билан, кишидаги ва ҳаётдаги гўзалликни алоҳида ҳис этиш ва қадрлаш қобилияти билан, ҳаётдаги разолатни алоҳида пайқаши ва рад этиш ўқуви билан нафосатни алоҳида қуйлаш маҳорати тимсоли эди. Шунинг учун ҳам, Ҳамид Олимжоннинг ижоди поэзия либосига кирган воқеликдек бўлиб туюлади.

Воҳид Зоҳидов

Ҳамид Олимжон том маънодаги замонавий санъаткор эди. У ҳаёт билан бирга қадам ташлади, қаламининг кучи, ташкилотчилик қобилиятини янги ҳаёт қуриш ишига сафарбар этди.

Матёқуб Қўшжонов

Ҳамид Олимжон ҳаётнинг ёрқин, нурли томонларини тез кўрадиган ва уларни нурли бўёқларда, кўтаринки-романтик оҳангларда тасвирлашни ёқтирадиган шоир эди.

Озод Шарафиддинов

Ҳамид Олимжон оз, лекин соз яшади. Унинг асарлари ўлмайдиган асарлардан. Унинг номи – ўчмайдиган номлардан. Унинг номи, унинг асарлари бизни доимо ҳаяжонга солади, завқ-шавқ беради, севги ва бахтни ардоқлашга, тўсиқларни енгишга ўргатади, келажакка чорлайди.

Наим Каримов

Ҳамид Олимжон ўзбек адабиётининг, шу жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшган, уни камситувчи унсурларга ўз вақтида қатъий зарба берган оташин шоир, йирик жамоат арбоби, кўзга кўринган жонқуяр олим эди. Унинг хотираси ҳеч вақт унутилмайди. Адабиётимиздаги жўшқин фаолияти ўзидан кейинги адабиёт аҳлларига ҳаммавақт ибрат бўлиб туради.

Ҳоди Зариф

Ғамид Олимжон баһор ели сингари кучли, дарё оқимидек шижоаткор, шу билан бирга, нозик ва майин, тадбирли йигит эди. Менинг хотирамда у йиллар оша ана шундай навқирон ва тирик инсон бўлиб қолди.

Жуманиёз Шариғий

“Ўрик гуллаганда” шеъри “Ўзбек баһорининг гимни” бўлган бу асар баһор ва Ғамид Олимжон номини қўшалок, уйкаш ҳодисаларга айлантиради. Шоир шу улуғ шеъри орқали ҳар йили келгувчи баһор тароватига ўз руҳини мангу сингдириб кетди, гўё.

Мели Холиёр

Ғамид Олимжон – уни кўрган, у билан суҳбатлашган, унинг ёнида бўлган, унинг илҳомидан баһра олган кишилар қалбига ўз сурати, ўз сиймоси, ўз меҳрини абадий нақшлаб қўйишга қодир оташин шоир, улуғ инсон эди.

Ғамид Гулом

Шоир севган, шоир мақтаган халқ, юрт букун ғалабадан ғалабаларга қараб бормоқда. У севган, ўз ижодини бағишлаган ҳаёт барқарор, зафар йўли билан илгариламоқда. Шоирнинг орзулари, умидлари, тилақлари гул очмоқда.

Уйғун

Ғамид Олимжон дейилганда менинг кўзим олдида, кенг халқ оммаси олдида баланд минбардан туриб ўз қалбининг садоси ва ақлининг ёруғи билан сўзлашаётган ёки шеър ўқиётган адиб, нафис ва жозибадор шоирнинг киёфаси туради.

Мақсуд Шайхзода

У шу вақтгача ўқиганларим ичида йўқ эди, ҳеч кимга ўхшамасди. Шундан ҳайратга соларди мени у! Ғар бир асари олам очарди, менинг назаримда. Унда на Навоий, на Пушкин... бор эди! У битта эди, менинг назаримда.

Туроб Тўла

Бахшилар сўзи билан қўбиз чертиб юрганда,
Жиззах сафрларида қабармаган оёғинг.
Нуқул баһор яшайсан – минг йил умр кўрганда,
Ғазалларингни куйлар миллион-миллион ўртоғинг,
Яхшиям, бағрим аро шогирдларим-юпанчим,
Шеър мажлисларида тўпалончи қувончим.
Хоразм тарихида узун умр – таянчим,
Шу куйнинг давомидай миллион йиллик ишончим.
Сенга раҳмат айтади, дўстим Ғамид Олимжон,
Сенга раҳмат айтади, дўстим Ғамид Олимжон.

Ғафур Ғулом

Ғамид Олимжон ўзбек юртининг гўзаллигини, чаманларнинг муаттар ҳидини моҳирона тасвирлаб берган ажойиб шоиргина эмас, меҳмондўст, сахий, самимий дўст ҳам эди.

Эди Оғнецвет

Мана, бир умрни яшадим сенсиз,
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб,

Тобутнинг бошида чўкканимда тиз,
Фарзандлар кўтарди кўлимдан тутиб.

Шундан бери тинмас ҳар неча калқон,
Бахтга, баҳорга ҳам, кишга, қайғуга.
Бироқ азасида йиғлайман кон-кон,
Тўйида яйрайман, ўхшаб оҳуга.

Зулфия

Ғамид Олимжон ижодида жаҳон, Шарқ ва рус адабиётининг даҳо санъаткорлари таъсири сезилиб турарди. Мен унинг шеърият бўстонида кимматли дурдоналарни олиб, қайта идрок этиб, ўзининг янги, реалистик, ёрқин, барча халқларга яқин ва манзур шеъриятини яратаётганлигини англаб олдим.

Мирзо Турсунзода

Бахт ва шодликнинг жўшқин куйчиси, атоқли шоир Ғамид Олимжон Ғамиша барҳаёт. У ҳозир биз билан бирга буюк ғалабаларимиз шоҳиди. Чунки шоирнинг ўз сўзи билан айтганда, кўзларини юммасдан асло дарё каби уйғоқ ўтади.

Юксак инсоний туйғуга, олижаноб калбга эга бўлган фарзанднинг сиймоси халқимиз хотирасида мангу яшайди, саодатманд келажак авлод ҳам уни улуғлаб, асрлар оша ҳурмати учун таъзим ила юқоридан ўрин беради.

Музаяна Алавия

У биз билан орзиқиб кутган ажойиб кунларни кўролмай, навқирон йигит чоғида орамиздан кетди. Лекин унинг ёрқин хотираси, ажойиб ижоди ҳар доим калбларда яшайди.

Собир Абдулла

У ҳаётда ҳам, ижодда ҳам излаш, изланишдан тинмас эди. У сўз санъатининг мангу кўримас чашмаси – халқ оғзаки шеъриятдан баҳра, куч-қувват ола билар эди. Лекин у классик адабиётни, ўтмишнинг улуғ шоирларини шу даври чуқур билар эдики, беихтиёр уни классик адабиётнинг улкан тадқиқотчиси ва классик шеъриятнинг чинакам давомчиси деб ўйлаб қолардинг киши. Агар ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган фожиа юз бермаганда ҳақиқатда шундай бўлган бўлар эди.

Николай Тихонов

Ғамид Олимжон ҳақида санъаткорларнинг хотиралари

Ғамид Олимжон давлат, жамоат арбоби, нотик, меҳрибон дўст, санъаткорларга яқин, камтар одам эди. Унинг бу ҳислатлари айниқса уруш йиллари тўла намоён бўлди.

Сора Эшонтўраева

Ғамид Олимжон ўзбек халқининг буюк мутаффақирлари Навоий, Ойбеклар билан бирга “элимнинг юрагида” мангу яшайди.

Шукур Бурхонов

Мен шоир Ғамид Олимжон билан бир неча марта ҳамкорлик қилганман. “Ўзбекистон қиличи” пьесасида фойдаланиш учун фронт манзаралари керак

экан. Намид Олимжон илтимоси билан мен уни плёнкага туширдим. Ўзбек жангчилари билан биргаликда Кори Ёкубов, Карим Зокиров каби санъаткорлар ҳам ўша кадрлар катнашчиси эди.

Комил Ёрматов

Ўзидан сўнг из қолдириш – мардона иш. Бутун вужуди, идроки, ақлу-заковатини севган ижодига бахт этган нодир одамлар кўлидан келади бу иш.

Раззоқ Ғамроев

Мен Намид Олимжонни эсласам, беихтиёр булоқ сувининг шилдираб гулзорга таралиши, ҳаётбахш сувнинг кўнгирак товушидан сармаст бўлиб оҳиста тебранаётган гулларнинг ажиб манзараси кўз олдимга келади. Ҳа, Намид Олимжон шеърлари ҳам булоқ сувларидай кўнгил гулзорига таралиб, куйи кишига бир дунё завқ-шавқ бағишлаб, кўнгилни гулдай очилтириб юборади. Унинг шеърлари она алласидан мусикавий, халқ кўшиқларидай кудратли. Унинг шеърлари оҳанг жиҳатидан ҳам халқ кўшиқларига яқин эди. Ёдда тез сақланиб, ўқувчига айтмоқчи бўлган фикри ҳам тез етиб борар эди.

Лутфихоним Саримсоқова

Намид Олимжон ўзининг ақл-идроки, мулоҳазалари, осойишталиги, кочириш ёки аскиялари ва барчага баробарлиги билан ёшми-қарими, эркакми-аёлми - барчани ўзига мафтун этар, оҳанрабодек ҳаммани ўзига тортар эди.

Амин Турдиев

Намид Олимжон ҳақида шоир яқинларининг хотиралари

“Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл” деган эскиларда гап бор. Абдулҳамид болалик чоғларида отадан етим қолгани учунми, ё одам зотига кўпроқ меҳр кўйгани учунми, яхши одам бўлиб ўсди. У ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотди, оқ - қорани билди. Ўтмишнинг ўроғини, кечмишнинг кетмонини кўрди. Унинг болалиги ғурбатли кунларнинг заҳри, кулфатли тунларнинг қаҳри билан ўтди.

Шоирнинг онаси Комила Азимова

“Тақдир мендан зое кўрмаган энг даҳшатли зарбалардан даҳшатлиси мени лолу-гунг қилиб кўйганидан бир неча ой ўтгач, қалбимдаги айрилиқ шарораси куйилиб-қуйилиб ўзича йўл топди, шекилли, қаламдан алам бўлиб мисраларга куйила бошлади. Ҳар бир сўз чўғдай, йўқ, яллиғланиб турган кўрғошиндай, мен уларни ёза бошладим:

Бахтли муҳаббатни куйлаган созим
Ўлим ханжарига тегди-ю, синди...

Кейин “Уйда бўғилдим-у, эшикка чиқдим” ёзилди, кейин “Бу кун янги йилмиш... демак, ажиб тун”... ёзилди, кейин ёзилаверди, ёзилаверди. Айрилиқнинг қаҳратон киши менинг ёнишимга совиш бағишламади, бир қадар тоблади, чоғи. Энди у шеърларни эълон қила бошладим. Намид Олимжонсиз ҳам баҳор келаверди, ҳамма ёқ янгилана бошлади, зилол, оқ, пушти ранглар Тошкентнинг ичкари ҳовлиларига ҳам кириб, гул сочиб юрди. Биринчи баҳор... Ҳар новда, ҳар майса ўзича уйғониб, баҳор келди-менинг дарду армоним ошгандан ошиб кетди.

Бир кун хизматдан қайтиб, ётоғимга кириб, оқшомгача чиқмай қоғоз, қаламга мук тушганим эсимда. Вақт ўтганини, хонам эшиги секин очилиб, меҳрибон ва мунисгинам, қайнонам кирганларини сезмабман.

- Болам, нима бўлди, дам олаяпсиз деб кирмадим, - деб чироқни ёқдилар, - тулинг, овқатга чиқинг, болалар кутиб қолди,-дедилар.

- Хўп, аяжон, - деб қаламимни қоғоз устига ташлаб, кийимимни ҳам алмаштирмай болалар олдига чиқдим. Сўнг... яна қоғозга мук тушдим. Қайғудан музлаб қолмаган юрак ва туйғулар савалаётганини ҳозир ҳам томир-томиримда ҳис қилаяпман.

Ташқарида тонг отаяпти... Яна меҳрибонгинам, ғариблиқдаги ҳабибим қайнонам кирдилар:

- Болам! Тун бўйи ўтириб, энди ишга қандай борасиз? Тун бўйи ёздингизми, болам? Бундай қилманг, юринг, нонушта тайёр...

Бу тунда “Баҳор келди сени сўроқлаб” деган шеърим ёзилган эди...

Зулфия

Халқимизнинг оташин шоири, отамиз Ҳамид Олимжон мустақил Ўзбекистонимизнинг юксак мукофотига муносиб қўрилган барча шеърят мухлислари қатори, биз – шоир фарзандлари учун ҳам катта байрам ва чексиз қувончга айланди.

Агар отамиз узоқ умр қўриб, бугун ҳаёт бўлганларида, дунёда улардан бахтли инсон бўлмасди. Агар аяжонимиз, халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфияхоним ҳаёт бўлганларида, бу мукофотдан боши осмонларга етган бўлур эди.

Бугун Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним руҳлари шод. Улар ижодлари қадр топган замонни бамисоли бизнинг кўзимиз – фарзандлар нигоҳи билан қўриб турибдилар.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг қўлларидан марҳум отамиз сазовор бўлган юксак мукофот – “Буюк хизматлари учун” орденини қабул қилиб олар эканман, ҳаёлимдан шундай ўйлар кечди. Зотан, озод Ватанимизнинг улуғ мукофотини қабул қилиб олган фарзандлар ташаққури отамиз ва онамизнинг ҳам бекиёс миннатдорлиги рамзидир.

Уларнинг ҳаёти ХХI аср, янги авлодлар учун юртга хизмат қилишнинг бекиёс намунаси бўлиб қолади, келажаги буюк давлат Ўзбекистоннинг шуҳратига янги шуҳратлар қўшади, деб ишонаман.

Ҳулкар Олимжонова

“Ҳамид Олимжон ижодий фаолияти ва у ҳақдаги манбаларни биласизми?” мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилишга доир тавсиялар

Беллашувни ўтказишдан мақсад Ҳамид Олимжон ижоди, унинг таржимаи ҳоли, шоир шеърлари, дostonлари, ҳикоялари, драмалари, у ҳақда нашр этилган асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти бакалаврлари ва магистрлари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари саволларни тузиб, икки гуруҳга мўлжаллаб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб

чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини муаллифнинг мукамал асарлар тўплами ҳамда алоҳида нашрларга, асарларининг таржималарига ва у ҳақдаги илмий ва бадиий асарларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Ҳамид Олимжон ҳаёти ва фаолиятини ақс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Кўйида беллашувга кўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Ҳамид Олимжоннинг вақтли матбуот саҳифаларида дастлаб қайси шеърӣ босилган ва қачон чоп этилган?

(Ҳамид Олимжоннинг биринчи шеърӣ “Кимдир” мавзуси билан 1926 йилда вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган).

2. Шоирнинг биринчи шеърӣ тўплами қачон нашр этилган?

(Ҳамид Олимжоннинг биринчи шеърӣ тўплами “Кўклам” 1929 йилда нашр этилган).

3. Ҳамид Олимжоннинг қандай достонларини биласиз?

(Ҳамид Олимжон “Комсомол келади”, “Жабҳа бўйлаб”, “Гриша”, “Шоҳимардон”, “Ота ҳаётдан”, “Икки қизнинг ҳикояси”, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Зайнаб ва Омон”, “Семурғ” каби достонларнинг муаллифидир).

4. Шоирнинг қандай балладаларини биласиз?

(Ҳамид Олимжон 1924 йилнинг 22 январида “Самарқанд”, “Она”, “Жангчи Турсун”, “Роксананинг кўз ёшлари” каби балладаларини ёзган).

5. Ушбу келтирилган парча Ҳамид Олимжоннинг қайси драмасидан олинган?

Чечак билан хурсанд бўлса гар одам,

Ер юзида бўлмас эди қайғу-ғам.

Ҳамма унда ёлғиз бир гул терарди,

На хоҳиши, на озори, на дарди...

Мана баҳор, бутун атроф лола, гул

Ҳамма одам терганда ҳам ётар мўл.

Гул очилган қояларнинг бошида,

Лолалар бор булоқларнинг тошида.

Аммо геч ким шоду хуррам эмасму?

(Юқорида келтирилган парча Ҳамид Олимжоннинг 4 парда 8 кўринишли тарихий “Муканна” драмасидан олинган).

6. “Муканна” тарихий драмасидаги образларни санаб беринг?

(“Муканна” тарихий драмасида кўйидаги образлар бадиий ақс эттирилган. Улар Ҳошим Ҳаким ўғли – Муканна, Феруз, Оташ, Гулобод, Гулойин, Гирдак, Боғий, Ҳишрий, Ҳаким, Кулартачин, Саидбаттол, Жалойир, Ибн Маоз, Зайд, Мулозим, Коровул қабилар).

7. “Жиноят” драмасидаги катнашувчиларни айтиб беринг?

(Ҳамид Олимжоннинг “Жиноят” драмасида кўйидагилар иштирок этганлар. Улар Шаҳриёр, Бўстон, Дилшод, Ифтихор, Қаландар, Зулайҳо, Гулзор, Хумор, Кўёш, Ислом, қариндош, кўшчилар).

8. Ҳамид Олимжоннинг мукамал асарлар тўплами неча жилддан иборат ва қайси йиллари нашр этилган?

(Ҳамид Олимжоннинг мукамал асарлар тўплами 10 жилддан иборат ва улар 1979 йилдан бошлаб нашр этилган, унинг охириги томи 1984 йилда нашр этилган).

9. Ҳамид Олимжоннинг қандай ҳикояларини биласиз?

(Ҳамид Олимжоннинг “Ҳақиқат излаб”, “Тонг шабадаси”, “Бир қулоқнинг оти ўчди” каби ҳикоялари бор.

10. “Тонг ҳам ёриша, кўчаларда далага келаётган ёш йигитларнинг овозлари ҳам кела бошлади.

Бир мунча вақт ичида Кундуз даволаниб чиқиб, ўз ишида давом этиб кетди.

Ҳаёт тонг, Кундуз ва у каби дардли диллар очилмаган гунча, Бўронбой кечадан қолган қора бир чироқ, “Ҳужум” ҳаёт тонгининг кучли, юмшоқ шабадаси эди. У шабада, минглаб гунча-чечакларни очиб, кечадан қолган қора чироқларни ўчириб кетди”.

Ушбу келтирилган парча Ҳамид Олимжоннинг қайси асаридан олинган? (Ҳамид Олимжоннинг “Тонг шабадаси” ҳикоясидан олинган).

11. Ҳамид Олимжон Алишер Навоий ижоди тарғиботи соҳасида қандай ишлар олиб борган?

(Ҳамид Олимжон Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини муносиб кутиб олиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда катта роль ўйнади. Шунингдек, “Навоий ва замонамиз”, “Навоий – ўзбек адабий тилининг яратувчиси”, “Ўзбек халқининг улуғ шоири Навоий”, “Фарҳод ва Ширин образлари ҳақида”, “Алишер Навоий ҳақида”, “Фарҳод ва Ширин ҳақида” каби мавзуларда мақолалар ёзган).

12. Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижодиётидан қайси дostonни нашрга тайёрлаган ва уни қандай номлаган?

(Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажойиб дурдонаси “Алпомиш” дostonи биринчи марта Ҳамид Олимжон томонидан нашрга тайёрланиб 1938 йилда нашр этилган. Уни шоир “Марлдик, муҳаббат ва дўстлик дostonи” деб атаган).

13. Ҳамид Олимжон асарлари жаҳоннинг қайси тилларига таржима қилинган?

(Ҳамид Олимжон асарлари белорус, грузин, озарбайжон, тожик, туркман, украин, қирғиз, қозоқ, форс, рус тилларига таржима қилинган).

14. Ҳамид Олимжоннинг қайси шеърлари хонандаларимиз томонидан кўшиқ қилиниб ижро этилганда?

(Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон”, “Водийларни яёв кезганда”, “Ўрик гуллаганда”, “Энг гуллаган ёшлик чоғимда”, каби шеърлар хонандаларимиз томонидан радио ва телевиденияларда кўшиқ қилиб қуйланиб келинганда).

15. ”Ўрик гуллаганда” шеърдан парча келтиринг?

”Ўрик гуллаганда” шеърдан парча:

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...
Новдаларни безаб гунчалар
Тонгда айтди ҳаёт отини
Ва шабада қурғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини).

16. Ҳамид Олимжон тасавуридаги Ватан – кишилиқнинг муқаддас бешиги, ана шу туйғуни қуйма сатрлар орқали ифодалаган шеърдан парчалар келтиринг.

Сен дунёга келган кунданок,
Ватаним деб сени, уйғондим.
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига муқаммал қондим.

* * *

Ќулоғимга номинг кирганда
Ќумлик каби ташна боқурман.
Сенинг жаннат водийларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

“Ўлка” шеъридан олинган бу мисраларда ясама туйғулар йўқ. Умуман, Ғамид Олимжон лирикаси шоир қалбида унган, мавж урган ва қатта тўлқинга айланган туйғулар шалоласидан иборат).

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан яқунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ғакамлар Ғайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, актёрлар ва адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирланади. Совға тарикасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

“Шодлик ва бахт қуйчиси” мавзусида шеърхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Шеърхонлик беллашувининг мақсади Ғамид Олимжоннинг шеърларига китобхонлар қизиқишини оширишдан иборат.

Шеърхонлик беллашувига асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти бакалавр ва магистрлари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Шеърхонлик беллашуви ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар. Ғар бир қатнашувчи айтмоқчи бўлган шеърини, мавзусини, агар имкони бўлса, қачон ёзилганлигини билиши шарт.

Шеърхонлик беллашуви ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Ғамид Олимжон ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб-суратли қўрғазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз. Шунингдек, Ғамид Олимжон қўшиқларининг ноталари, грампластинкалари, видеотасмаларини намойиш этишларини тавсия қиламиз.

Ќуйида шеърхонлик беллашувида айтиладиган шеърлардан намуналар келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи: “Баҳор” шеъри.

Ғусн қўшиб Ғар кун Ғуснига,
Табиат қақирар ўз қучоғига.
Ғар кун қийиб янги бир либос,
Қақирар ўзининг ёшлик чоғига.

Тинмай эсар Ғар томонга ел,
Ќўймай сочар ўрикнинг гулин.
Дарахт шохларини силкитар,
Уйғотишга бошлар уни тун.

Булбул сайрар, чумчук чирқирар,
Ғабар берар асли-зотидан,
Ғулга қўниб қаттиқ сўйлашар,
Ќиш пайтининг хотиротидан.

Тиним йўқ, Ғар нафас сеп ёзар,

Баһор ечиб ўз тугунчагин.
Тонгги куртак, оқшомга ғунча
Саһар туриб очар чечагин.

Дала юзин қоплар чечак-гул,
Кулиб чиқар ёриб ер тагин.
Зангор кўзларига тўлар нур.
Шудринг билан ювар кипригин.

(Шеър қисқартирилиб берилди)

2-ракамдаги қатнашувчи: “Севги десам, фақат сен десам” шеъри.

Севги десам, фақат сен десам,
Сенинг билан яшаса қалбим:
Сен десаму бутун дунёнинг
Шўришига қулоқ солсам жим...

Қуюн каби айланар бошим,
Қарамайман-у, кўзим тинади
Ва жилвангдан кўнгил кўзгуси
Парча-парча бўлиб синади.

Шу қарашга борми ниҳоя,
Бўларманми мақсадга восил?
Топарманми бир янги ғоя,
Бўлармикин бир мурод ҳосил?

Топиларми унда бир чора,
Агар мени қуршаса жунун:
Бўлиб қолса сирим ошқора.
Атасалар номимни Мажнун?

3-ракамдаги қатнашувчи: “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” шеъри.

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст.
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.

Қучоқ-қучоқ гуллар терганим
Ва келтириб сенга берганим
Кечагидай ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.

Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг.
Энг гуллаган ёшлик чоғимда
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

4-ракамдаги катнашувчи: “Соғинганда” шеъри.

Кабутардек юрак уринар,
Неча кундир сенсиз яшади.
Мана, кўрким, энди ҳар нафас
Вужудимга ўт туташади.

Неча кундир йўқолди тинчим
Ва уйқуга айтдим алвидо,
Неча кунлар, неча соатлар
Ҳаёлингга айладим фидо.

Ўтар экан тунлар ва кунлар,
Айрилиқда ахтариб висол.
Ва тонгларда якка ҳам ўйчан
Кезар экан паришон ва лол.

Борлигимни, исмингни айтиб
Чулғаб олар бир гўзал хаёл,
Ўша жилва ва ўша оташ,
Ўша кўзки сузгун, хаёлкаш,
Ўша имо, ўша ишора
Эта бошлар юракани пора.

5-ракамдаги катнашувчи: “Ўлка” шеъри.

Мен дунёга келган кунданок,
Ватаним деб сени, уйғондим.
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукаммал қондим.

Қулоғимга номинг кирганда
Қумлик каби ташна боқурман,
Сенинг жаннат водийларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

Билсинларким, йўлдошим бўлмас
Кўзда ёши билан кулганлар,
Тиллари бор, ўзлари ҳаёт
Лекин юрак-бағри ўлганлар.

Ҳар айтганинг буюк жангнома,
Қайга десанг қайтмай кетурман,
Кўзларимни юммасман асло –
Дарё каби уйғоқ ўтурман.

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан яқунлайдилар. Бунда шеърларнинг маъно ва мазмуни, айтувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тарикасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Шунингдек, ҳомий ташкилотлар билан ўзаро алоқа ўрнатиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мумкин.

Оғзаки журнал

Кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларнинг яна бир тури оғзаки журналдир. Тарғиботнинг бу шакли оддий журналга бир оз ўхшаб кетади. Оғзаки журнал ҳам матбуот журнали каби битта мавзуга ёки турли мавзуларга бағишланган бўлиши мумкин. Оғзаки журнал ҳам шоирнинг шеърини, матбуот, публицист, таржимон, адабиётшунослик, драматург, олим ва жамоат арбоблигига доир шарҳловчининг чиқишларини ўз ичига олиши мумкин. Журнал саҳифалари босмахонада босилмайди, аммо муаллиф сўзлари билан оғзаки тўлдирилади. Бунда муаллифлар кутубхоначилар, адабиёт ўқитувчилари, фаол китобхонлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Оғзаки журналнинг ҳар бир саҳифаси мавзунинг бирон-бир масаласига бағишланади. Саҳифаларнинг умумий сони эса одатдаги журналдан бирмунча кам бўлиб, олти бетдан ошмайди.

Кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган кечалардагидек оғзаки журнални муҳаррир очади. Одатда у ҳар бир саҳифани очишидан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг сўзни чиқувчига беради.

Қуйида Ҳамид Олимжоннинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган оғзаки журналнинг тахминий режасини тавсия этамиз. Ундан шоир Ҳамид Олимжон таваллудига бағишланган кеча ўтказишда фойдаланиш мумкин.

“Ҳамид Олимжон истеъдодли шоир, драматург, олим ва жамоат арбоби” номли оғзаки журналнинг намунавий режаси

Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижодини, драматург, олим ва жамоат арбоби, таржимонлик фаолиятини кенг миқёсда ўрганиш ва тарғиб этишда оғзаки журнал алоҳида ўрин тутаяди.

Маҳаллий матбуот орқали оғзаки журнални ўтказиш тўғрисида эълон-хабар берилиши мумкин, шунингдек, тадбир ўтказиладиган жойни жиҳозлаш, мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифалари учун китобхонлардан ёки мутахассислардан танлаб олиш, тартибини режалаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, мусиқали ёзувларни тўплаш каби ташкилий ишларни амалга ошириш лозим.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очади.

1-саҳифа: “Ҳамид Олимжоннинг ёшлик йиллари”.

2-саҳифа: “Шоирнинг илк ижоди”.

3-саҳифа: “Ҳамид Олимжон – истеъдодли шоир”.

4-саҳифа: “Ҳамид Олимжон олим ва жамоат арбоби”.

5-саҳифа: “Ҳамид Олимжоннинг таржимонлик фаолияти”.

6-саҳифа: “Кутилмаган ҳалокат”.

Ушбу саҳифалар бўйича мутахассислар чиқиш қилади.

Ҳар саҳифадан сўнг мусиқали танаффус берилади.

1-саҳифа

“Ҳамид Олимжоннинг ёшлик йиллари”

Ушбу саҳифада Ҳамид Олимжоннинг туғилган йили, болалиги, мактаб даври ва билим юртини тугатиши ҳақидаги маълумотлар берилади.

2-саҳифа “Шоирнинг илк ижоди”

Бу саҳифада Ҳамид Олимжоннинг дастлабки мақола ва шеърлари, биринчи шеърӣ тўплами, шоир сифатида шаклланиши ҳақидаги маълумотлар ҳақида сўз боради.

3-саҳифа “Ҳамид Олимжон – истеъдодли шоир”

Бу саҳифада шоирнинг шеърӣ тўплamlари ҳамда балладаларнинг кетма-кетлиги, шеър ва балладаларининг яратилиши ва мазмуни ҳақидаги маълумотлар берилади.

4-саҳифа “Ҳамид Олимжон олим ва жамоат арбоби”

Бу саҳифада Ҳамид Олимжоннинг ўзбек адабиётининг долзарб масалалари бўйича қатор илмий-танқидий асарлар яратгани ва 1939 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилганига оид маълумотлар тавсифланади.

5-саҳифа “Ҳамид Олимжоннинг таржимонлик фаолияти”

Бу саҳифада Ҳамид Олимжоннинг рус мумтоз адабиёти ва рус адабиётидан ҳамда жаҳон адабиёти, бошқа тиллардаги адабиётлардан ўзбек тилига қилган таржима асарлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олади.

6-саҳифа “Кутилмаган ҳалокат”

Бу саҳифада шоирнинг сўнги йиллардаги ижоди, унинг ҳалокати билан боғлиқ маълумотлар ақс этган манбалар, нашрга тайёрланган, бироқ нашр этилмаган материаллар ва унинг хотирасига оид маълумотлар ўз аксини топади.

“Ҳамид Олимжон истеъдодли шоир ва драматург” номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган кўргазма кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирни тўлдиради.
Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Ҳамид Олимжон ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари

Ҳамид Олимжон том маънодаги туғма

истеъдод эгаси – туѓма шоир эди. У њатто
насрода њам шоир эди.

Матёкуб Кўшжонов

Бу бўлимга Ғамид Олимжон њаёти ва иждодий фаолияти њақидаги
нашрлар кўйилади.

2. Ғамид Олимжон – лирик шоир

Ғамид Олимжоннинг сози њеч қачон
тинмайди, у њар бир янги авлод қалбида жаранг
бераверади, унинг ёрқин тимсоли тиник юлдуздай
порлаб њамиша янги талантларга шеърий қўққилари
сари йўл кўрсатиб туради.

Ғамид Ёўлом

Бу бўлимда Ғамид Олимжоннинг шеърий тўпламлари ва вақтли матбуот
сањифаларида чоп этилган шеърлари намойиш этилади.

3. Ғамид Олимжон – драматург

“Муқанна” пьесаси гоят зўр истеъдод билан
ёзилган.

Александр Фадеев

Бу бўлимга Ғамид Олимжоннинг драматик асарлари ва сањна асарлари
њақида ёзилган нашрлар намойиш этилади.

4. Ғамид Олимжон – таржимон

У њассос таржимон сифатида ўз зиммасига
юқланган қатта масъулиятни њар доим њис этиб, ўз
мањоратини ошириш ва такомиллаштириш устида
жиддий ишлади.

Жуманиёз Шарифий

Бу бўлимга Ғамид Олимжон таржима қилган асарлар ва таржималар
њақидаги манбалар кўйилади.

5. Ғамид Олимжон ўзбек адабиётида

Яна бањор келди гул водийларга
Яна сарин еллар тўзғитди сочим
Сен қарши олгандай бањорни њар гал,
Кўклам қуёшига бағримни очдим.
Гул баргин очгандай бастакор булбул,
Гул шохин чертганда айлаб олтин соз,
Булбул завқи билан ошифта қўнғил
Тонг чоғи китобинг варақлар устоз.

Эркин Воњидов

Бу бўлимга адабиётшунослар, шоир ва ёзувчиларнинг Ғамид Олимжонга

бағишлаб ёзган асарлари ва вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган асарлари кўйилади.

Кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Китобхонлар конференцияси

1. “Бахт, шодлик ва ёшлик куйчиси”
2. “Халқ дилидаги адиб”.
3. “Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодига бир назар” каби мавзуларда;

“Истеъдодли шоир”, “Ҳамид Олимжон 100 ёшда”, “Бахт куйчиси”, “Халқнинг дилидаги адиб” каби мавзуларда китоб кўرғазмаси ва кўзгазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. “Ҳамид Олимжон таржималарини биласизми?”
2. “Ҳамид Олимжон драмалари театр саҳналарида” ва асарлари ҳақида ишланган фильмларни биласизми?
3. Ҳамид Олимжон ижодини биласизми?

“Она табиат куйчиси”, “Тадқиқотчи шоир”, “Севимли шоир”, “Халқ бахтининг куйчиси”, “Ватан фарзанди” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўзгазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. “Ҳамид Олимжон – адабиётшунос олим”.
2. “Ҳамид Олимжон ва ўзбек адабиёти”.
3. “Ҳамид Олимжон – баҳор куйчиси”.
4. “Пушкин ва Ҳамид Олимжон”.
5. “Ҳамид Олимжон ижодида бахт-саодат мавзусининг қаламга олиниши” каби мавзуларда;
“Илҳом сарчашмаси”, “Ноёб талант”, “Истеъдодли инсон”, “Меҳнат ва нафосат куйчиси”, “Дўстлик куйчиси” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўзгазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Новатор шоир ва драматург фаолиятини биласизми?”
2. “Ҳамид Олимжон адабий меросининг ёшларга тарбиявий таъсирини биласизми?”
3. “Ҳамид Олимжоннинг таржимонлик фаолиятига бир назар”.
4. “Ҳамид Олимжон асарларининг нашрларини биласизми?” каби мавзуларда;

“Ёрқин истеъдод”, “Ардоқли санъаткор”, “Нафосат ижодкори” “Нодир истеъдод соҳиби”, “Сеҳрли туйғу сирлари” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўзгазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Ҳамид Олимжон асарларининг рус тилига таржимаси”.
2. “Ҳамид Олимжон асарларининг мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидаги нашрлари”.
3. “Ҳамид Олимжон асарларида севги-муҳаббат ва садоқат

мавзуларининг қаламга олинши”.

4. “Алишер Навоий мероси Ғамид Олимжон талқинида” каби мавзуларда;

“Ғамид Олимжон ғамиша барғаёт”, “Яхшилик чироғи ёник”, “Ватанпарвар шоир Ғамид Олимжон” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўзгазмадаги адабиётлар обзори.

Мўъжизалар майдони “Ўйла. Изла. Топ” рукни остида

1. “Ғамид Олимжон ғақида замондошларнинг хотиралари”.
2. “Ғамид Олимжон ғақида ёзилган асарлар”.
3. “Ғамид Олимжоннинг мукамал ва танланган асарлари” каби мавзуларда;

“Ғамид Олимжон - замондошлар ёдида”, “Ғамид Олимжон дўстлари ардоғида”, “Меҳнат ва нафосат куйчиси” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўзгазмадаги адабиётлар обзори.

“Диспут” ўйини

1. “Чақмоқдек чақнаган шеърият”.
2. “Ғамид Олимжоннинг маҳорати нимада?”
3. “Ғамид Олимжон баллада, дostonларини биласизми?”
4. “Ғамид Олимжон пьесаларини биласизми?”
5. “Ғамид Олимжон драмалари ва ундаги образларни биласизми?” каби мавзуларда;

“Мангу барғаёт инсон”, “Ғамид Олимжон драматург”, “Давр билан бирга одим ташлаган шоир”, “Ғамид Олимжон – лирик шоир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўзгазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

- а) Ғамид Олимжон ғақида асарлар ёзган олимлар билан:
1. Наим Каримов.
 2. Ғулкар Олимжонова.
- б) У ғақда шеър ва илмий мақолалар ёзган муаллифлар билан:
1. Абдулла Орипов.
 2. Эркин Воҳидов.

Хотира ва қадрлаш соати

1. “Халқнинг юрагида санъаткор”.
2. “Ғамид Олимжон хотираси барғаёт”.
3. “Ғамид Олимжон чироғи ёник”.
4. “Халқ қалбида яшайди”.
5. “Шоир - барғаёт”.
6. “Адиб - барғаёт” каби мавзуларда;
“Барғаёт шоир”, “Ёркин юлдуз”, “Халқнинг юрагидаги санъаткор”, “Ноёб талант”, “Ардоқли санъаткор” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўзгазмадаги адабиётлар обзори.

Оғзаки журнал

1. “Ҳамид Олимжон – баҳор куйчиси”.
2. “Ҳамид Олимжон – она Ватан куйчиси” каби мавзуларда;
“Ҳамид Олимжон 100 ёшда” рукни остида картотека тузиш ва асарларининг алоҳида нашрлари, у ҳақдаги материаллар билан картотекани бойитиб бориш.

“Ҳамид Олимжон 100 ёшда” рукни остида мавзули папкалар ташкил қилиш ва фотосуратлари альбомини ташкил этиш.

1. Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида

а) “Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижоди” маълумотлар базасининг электрон шакли.

б) “Ҳамид Олимжон асарлари” ахборот-ресурс марказларида.

в) “Шоир адабий меросининг ёшларга тарбиявий таъсири” реферат танлови.

г) “Бахт куйчиси” иншо танлови.

Катнашувчилар - жойлардаги Республика Маънавият тарғибот маркази бўлимлари, “Олтин мерос”, “Маҳалла”, “Соғлом авлод учун”, “Истеъдод”, “Нуроний” каби жамғармаларининг вакиллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ҳамид Олимжон музейи ходимлари, Хотин-қизлар қўмиталарининг вакиллари, адабиётшунослар, филологлар, ёзувчи ва шоирлар, санъткорлар, мусаввирлар, журналистлар, адабиёт ўқитувчилари, адабиёт билимдонлари ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Ўзбекистон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2004 й. 23 август
//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-2004.-№8.-Б.3.

Олимжон Ҳамид. Мукамал асарлар тўплами: 10 томлик (ЎзР.ФА Тил ва адабиёт ин-ти: Таҳрир Ҳайъати: С.Эркинов (масъул муҳаррир) ва бошқ.-Т.: Фан, 1979.-

Ж.1. Шеърлар 1925-1944 /Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: Н.Ғанихўжаева, Д.Раҳматова; Масъул муҳаррир С.Эркинов.-1979.-404 б.

Ж.2. Балладалар, дostonлар, шеърый хат /Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: О.Боқиев, Б.Бафоев, Ғ.Тожибоев; Масъул муҳаррир Н.Каримов.-1979.-228 б.

Ж.3. Ғикоялар. Очерклар. Кундаликлар. Мақола ва хабарлар. Нутқлар. Материал /Нашрга тайёрловчилар: Ш.Эшонхўжаев, Ф.Мусамуҳамедова; Масъул муҳаррир С.Эркинов.-1981.-312 б.

Ж.4. Пьесалар /Нашрга тайёрловчилар: Д.Рўзиева; Масъул муҳаррир С.Эркинов.-1981.-348 б.

Ж.5. Тадқиқот ва мақолалар (Адабиёт тарихи ва халқ оғзаки ижодиёти масалалари) /Нашрга тайёрловчилар: Ш.Эшонхўжаев, Ф.Мусамуҳамедова; Масъул муҳаррир С.Эркинов.-1982.-248 б.

Ж.6. Тадқиқот ва мақолалар (Адабиёт масалалари) /Нашрга тайёрловчи: О.Боқиев, Ф.Мусамуҳамедова; Масъул муҳаррир С.Азимов.-1982.-336 б.

Ж.7. Таржималар (поэзия, проза) /Нашрга тайёрловчилар: Н.Ғанихўжаева, Д.Раҳматова; Масъул муҳаррир Н.Каримов.-1982.-304 б.

Ж.8. Таржима /Нашрга тайёрловчи: Б.Бафоев, Д.Рўзиева; Масъул муҳаррир С.Эркинов.-1983.-400 б.

Ж.9. Публицистика. Адабиётшунослик /Нашрга тайёрловчилар: С.Эркинов, Н.Владимирова Б.Бафоев; Масъул муҳаррир С.Азимов.-1984.-248 б.

Ж.10. Мақола, нутқ ва хатлар /Нашрга тайёрловчилар: С.Эркинов, Н.Намозов; Масъул муҳаррир Н.Владимирова.-1984.-208 б.: Расм Ҳамид Олимжон асарлари рўйхати: Б.173-181.

Олимжон Ҳамид. Куйчининг хаёли: Лирика / Сўз боши муаллифи Ҳамид Ғулом.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.-160 б.

Олимжон Ҳамид. Ўрик гуллаганда: Шеърлар, тарихий драма.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.-296 б.

Олимжон Ҳамид. Ўлка: Шеърлар /Тузувчи Ғ.Олимжонова.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.-102 б.

* * *

Олимжон Ҳамид. Хаёлимда бўлдинг узун кун...: [Шеър]//Халқ сўзи.-1994.-2 июль.

Олимжон Ҳамид. Ўлка: [Шеър] //Тошкент оқшоми.-1994.-23 нояб.

Олимжон Ҳамид. Хайрлашув: [Шеър] //Тафаккур.-1995.-№2.-Б.75.

Олимжон Ҳамид. Лола: [Шеър] //Маърифат.-2000.-26 авг.

Олимжон Ҳамид. Ўрик гуллаганда: [Шеър] //Тошкент оқшоми.-2005.-1 март.

Олимжон Ҳамид. Ўрик гуллаганда: [Шеър] //Жаҳон адабиёти.-2005.-№3.-Б.6.

* * *

Ҳамид Олимжон (1909-1944) //Мирвалиев С. Ўзбек адиблари (ихчам адабий портретлар).-Т.: Фан, 1993.-Б.67-68.

Ҳамид Олимжон (1909-1944) //Мирзаев С., Шермуҳамедов С. Ғозирги

замон ўзбек адабиёти тарихи. Дорилфунунлар ва педагогика олийгоҳларининг филол. куллийтлари сиртки бўлим талабалари учун ўқув кўлланма /Т.Бобоев таҳр. қилган.-Т.: Ўзбекистон, 1993.-Б.202-220.

Ғамид Олимжон (1909-1944) //Мирвалиев С. Ўзбек адиблари (XX аср ўзбек адабиёти).-Т.: Ёзувчи, 2000.-Б.63-64.

Ғамид Олимжон (1909-1944) //Рахмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги: Кўлланма (Масъул муҳаррир У.Норматов.-Т.:Янги аср авлоди. 2004.-Б.186-191

Ғамид Олимжон (1909-1944) //Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адиблари: XX аср ўзбек адабиёти: Ўқув кўлланма /Масъул муҳаррир Н.Каримов.-Т.: Фан, 2007.-Б.67-68.

Ғамид Олимжон (1909-1944) //Каримов Н. XX аср адабиёт манзаралари (биринчи китоб).-Т.: Ўзбекистон, 2008.-Б.360-373.

* * *

Бобоева С. Ғамид Олимжон поэзиясининг лексик хусусиятлари.-Т.: Фан, 1989.-52 б.

Каримов Н. Бахт ва шодлик куйчиси: [Шоир Ғамид Олимжон ҳақида] .-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.-40 б.

Каримов Н. Гўзалликнинг олмос катралари: Ғамид Олимжон лирикаси.-Т.: Ўзбекистон, 1979.-39 б.

Каримов Н. Ғамид Олимжон: шоир ижоди ва ҳаётдан лавҳалар.-Т.: Ёш гвардия, 1979.-247 б.-8 в.расм.

Каримов Н., Акбаров Ғ. Ғамид Олимжон лирикаси: Тасаввур ва тасвир.-Т.: Ўзбекистон, 1989.-31 б. (Фан ҳақида суҳбатлар).

Мирзаев С., Шермухамедов С. Ғамид Олимжон ва ўзбек совет адабиёти.-Т.: Фан, 1989.-61 б.

Намозов Н. Ғамид Олимжон ва адабиётлар қардошлиги.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.-126 б.

Норматов М. Шоир болалиги.-Т.: Ёш гвардия, 1983.-170 б.

Сен элимнинг юрагида яшайсан: Ғамид Олимжон ҳақида эсдаликлар /Зулфия таҳрири остида: Нашрга тайёрловчи Ғ.Сулаймонова.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.-127 б.

Умуров Ғ. Кўш қаноат сеҳри: Зулфия ва Ғамид Олимжон ҳақида адабий танқидий мақолалар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.-127 б.

* * *

Азимов С. “Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ”: [Ғамид Олимжон ижоди ҳақида] //Мулоқот.-1991.-№4.-Б.39-44.

Воҳидов Э. Вафо: [Шеър] //Воҳидов Э. Шеър дунёси: Сайланма. Иккинчи жилд.-Т.: Шарқ, 2001.-Б.45-51.

Казакова Р. Ғамид Олимжон хотирасига: [Шеър] /Русчадан О.Суёнова тарж.//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-27 февр.

Каримов Н. Эҳтиром: [“Мангу лаҳза” рукнида шоир Ғамид Олимжоннинг 1940 йилнинг сўнги кунларида олинган сурати ва шоирнинг ишлари ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1999.-24 дек.

Каримов Н. Ғамид Олимжон //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. Қизилқумит-Хўрмуз /Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.-Б.293-294.

Муқаррама Мурод қизи. Сўз – олмосга айланар: [Ғамид Олимжон асарлари. Олимжон асарлари тилининг қурилиши ва лексик хусусиятлари]

//Халқ сўзи.-1994.-2 июль.

Олимжонova Ғ. Баҳор келди, сизни сўроқлаб: [Зулфия ва Ғамид Олимжон ҳақида] //Халқ сўзи.-1998.-27 февр.

Олимжонova Ғ. Шундай ўлка элга ёр бўлсин!: [Оташин шоир Ғамид Олимжон ва Зулфияхонимни хотирлаб] //Ёзувчи.-2004.-29 дек.

Орипов А. Ғамид Олимжон хотирасига: [Шеър] /Орипов А. Танланган асарлар: 4 жилдлик /Сўнг сўз муаллифи: Д.Бегимқулов; Таҳрир ҳайъати: О.Шарфиддинов, М.Қўшжонов, Э.Воҳидов ва бошқ.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

Ж.1. Шеърлар ва дostonлар.-Б.190-191.

Панжиев Ғ. Аёл меҳри – илҳом булоғи. Мутолаа: [Адабиётимизнинг забардаст чинорлари - Ойбек ва Зарифа ая, Ғамид Олимжон ва Зулфия ўртасидаги пок муҳаббат ҳақида] //Кишлоқ ҳаёти.-2002.-14 июнь.

Сувон Мели. “Азиздан-азизим” Ғамид Олимжон ва Зулфиянинг шеърят ижодидан //Маърифат.-1995.-8 март.

Кодиров Э. “Кавказ асири” шеърый дostonининг аслияти ва таржимасини қиёсий ўрганиш: [Ўзбек халқ шоири Ғамид Олимжон томонидан таржима қилинган рус шоири А.С.Пушкиннинг мазкур дostonи хусусида] //Ўзбек тили ва адабиёти.-1996.-№6.-Б.40-42.

Қурбонова С. Ғамид Олимжон шеърларида гродациянинг қўлланиши //Тил ва адабиёт таълими.-2007.-№2.-Б.31-32.

Ғамид Олимжон – ватан куйчиси: Сценарий: [Таҳриба минбари] //Мактабгача таълим.-2002.-№5.-Б.10-12.

Ғасанов Б. Эркин тафаккур мевалари /Миртемир, Ғамид Олимжон, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Усмон Носир каби адиблар ижоди ҳақида //Гулистон.-1998.-№4.-Б.24.